

ИСТИҚЛОЛИМИЗ ТАРИХИНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

Республикага келтириладиган товарларнинг 60 фоизи эса машиналар, асбоб-ускуналар, энгил сановат ва озик-овқат сановати маҳсулотларидир.

Ҳаляти бир вазият вужудга келмоқда. Республика жуда қимматли хомашё — пахта, нитрон, капролактам ишлаб чиқараётган бир пайтда уларни қайта ишлашдаги савалик, технология занжири ниҳоясига етказилмагани оқибатида айни шу хомашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни четдан келтиришга мажбур бўлмоқда» («Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида». Т.: «Ўзбекистон», 2011 йил, 169-170-бетлар).

Ёки яна бир характерли мисолга эътибор берайлик: «Статистиканинг кўрсатишича, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги пайтда кун кечирини учун камида 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ана шунда одамлар қандай қийинчилик билан, учма-уч яшаб келаётганига ўзининг баҳо беришини мумкин.

...Республикадаги социал аҳвол, одамларнинг социал таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мутлақо қониқарсиз. Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи — ичимлик суви билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланганини нормал аҳвол, деб ҳисоблаш мумкин эмас» (47-49-бетлар).

Китобдан жой олган материаллар билан танишар эканмиз, собиқ Марказдаги империяпараст кучлар, мустабид тузумнинг шафқатсиз каттаган аппарати Ўзбекистон ва унинг янги раҳбарига нисбатан турли зуғум ва таъйиқларни тинимсиз қучайтириб борганини ўзимизга аниқ тасаввур этамиз. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган сиёсий кампаниялар пайтда қизил империянинг марказий матбуоти эл-юртимизга шаънини таҳқирлаб, унинг бошига «кўшб ёзиш», «олғичлик», «кўзбўямачилик», «боқимандалик» каби тухмат ва маломатлар бўронини ёғдиргани ҳақидаги саҳифаларни чуқур алам ва изтироб билан ўқиймиз. Шундай таҳқиқлаш пайтларда халқ дардида дармон бўлиш ўрнига собиқ Марказнинг ногорасига ўйнаган, мустақиллик ғоясини ниқоб қилиб, аслида ана шу муқаддас интилишга қарши чиққан қимсалар, дунёвий ва диний кўринишдаги радикал сиёсий гуруҳ ва оқимларга қарши Ислому Каримовнинг қандай катта жасорат, сиёсий вазилик билан кураш олиб боргани, эл-юртимизга суяниб, унинг қалбига йўл топиб, вазиятни ўнглаш, юртимизни ҳалокатли инқироз гирдобидан олиб чиқиш, истиклол сари бошлаш бўйича қатъий чора ва тадбирлар, чуқур ислохотларни амалга оширгани ва ниҳоят, 1991 йил 31 август кунини Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилгани ушбу китобнинг энг драматик, энг ҳаяжонли саҳифаларини ташкил этади.

Яқинда Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган «Мустақиллик арафасида» ёки шуруларнинг сунгги талвасаси» фильмининг томоша қилиш асосида барчамиз ана шу ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Албатта, ўша пайтдаги пахта яккахокимлиги, мустамакка тузумига хос, бир ёқлама ривожланган иқтисодиётнинг ҳалокатли оқибатлари, аввало, одамларнинг турмуш тарзида, энг муҳими, уларнинг жон бошига тўғри келадиган даромад даражасининг ўта пастлигида, томорқа ерларининг кескин камайиб боришида, миллатнинг саломатлиги, унинг генофондида салбий тасирларнинг кучайишида, болалар ва оналар ўлимнинг авж олишида, ўлка-юртимизнинг экологик ноҳор ҳолатида ва бошқа кўпгина масалаларда яққол намён бўлган эди. Лекин бу фожиаларнинг барчасини аниқ мисол ва рақамлар асосида, СССРдаги умумий кўрсаткичларга қиёслаган ҳолда, мустабид

империянинг баландпарвоз ғоялар билан ниқобланган мустамакка сиёсатининг аянчи натижалари сифатида ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, бутун моҳияти билан очиб берадиган китоб шу кунга қадар яратилмаган эди. Ижтимоий-сиёсий тафаккуримиз, тарихни англаш борасидаги изланишларимиздаги ана шу бўшлиқ, бугун ниҳоят, маъмур фундамента китоб билан тўлдирилганини мамнуният билан қайд этишимиз лозим.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилган ижтимоий муаммоларнинг асл илдиэлари, салбий оқибатлари очиб берилган кенг кўламли тадқиқотлар эски тузум даврида ҳеч қачонда, ҳеч қайси илмий муассасада олиб борилмаган ва олиб борилиши мумкин ҳам эмасди. Бордию ана шундай тадқиқотлар амалга оширилса, уларнинг асосида чиқариладиган хулосалар муқаррар равишда СССР деган улкан империянинг томрига болта уриш, деб баҳоланар эди. Чунки бундай факт ва рақамлар собиқ Иттифоқ ҳудудида — темир деворлар орасида яшаган халқларнинг нақадар хушқисиз, уларнинг ҳаёти эса қандай ноҳор бўлганини яққол исботлаб, бу тузумнинг асл қиёфасини фож эътиб қўйган бўларди. Бинобарин, бундай мавзуда илмий иш олиб борган одам сўзсиз-сўрсиз халқ душмани деб эълон қилинарди.

Шунинг учун ҳам бошқа республикалар қатори Ўзбекистоннинг ҳам ҳақиқий иқтисодий-ижтимоий аҳолидан далолат берадиган реал факт ва рақамлар бирор-бир нашрда чоп этилмас, аксинча, жамоатчиликдан сир тугилар эди. Илмий тадқиқот институтлари ходимлари, журналистлар, агитатор ва пропагандистлар фақат юқоридан — КПСС Марказий Комитети ва унинг иттифоқдош республикалардаги ташкилотлари томонидан тасдиқлаб берилган сохта маълумот ва манбалар асосида иш олиб боришга қўниқиб қолган эди.

Буларнинг барчасидан хулоса чиқарган ҳолда, «Мустақилликни эркинлик тўғрисидаги шорлар билан эмас, балки сиёсий, иқтисодий, маънавий мазмун билан тўлдириш керак» (355-бет) деб таъкидлайди Юртбошимиз ва бундай қарашини ўз фаолиятининг бош мезони деб билади. Шу сабабли Ўзбекистоннинг ҳаётига дахлдор бўлган ҳар бир масалага комплекс ёндашиб, уларнинг ягона тўғри ва муқаррар ечимини — бу мустақиллик ва фақат мустақиллик, деган мантқиқий хулосага келади. Бундай дадил фикрни собиқ Иттифоқнинг катта-катта минбарларидан туриб баён этишдан чўчиб ҳам, тортиниб ҳам ўтирмайди. Жумладан, биз учун мустабид тузумнинг бутун даври давомида энг оғирлик масала бўлиб келган пахта хомашёси етиштириш ва халқимиз ўзининг машаққатли меҳнати учун муносиб ҳақ олиш, муносиб турмуш шaroитига эга шууридан, қалбидан кечирган муаллимнинг теран нигоҳ, улкан донишмандлик, ўз халқи ва юртига чеқсиз муҳаббат ва садоқат ҳисси билан ёритиб берганида яққол кўзга ташланади.

Шуни унутмаслик кераки, бугун собиқ Иттифоқнинг айрим ҳудудларида СССР деган империяни қандайдир янги шаклда тиклашни хаёл қилиб юрган, яқин ўтишда содир бўлган тарихий жараёнларни бутунлай ўзгартириб, керак бўлса, сохташлар этиб, одамларни, айниқса, у замонларни кўрмаган-билмаган ёшларни алдаб, тўғри йўлдан чалғитишга уринаётган кучлар, афсуски, хали ҳам йўқ эмас. Энг ёмони, улар ўз қабихиятларини йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди.

Шу маънода, Президент Ислому Каримовнинг халқимизнинг сиёсий тафаккур ҳазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби барчамизни ҳозирги ўта нотинч ва таҳликалий замонда доимо хушёр, оғоҳ ва сергақ бўлиб яшашга даъват этади. Шу асосда Ватанимизнинг янги тарихини чуқур англаш, ундан зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб, юртимизнинг қадимий шухрати, бугунги кўдрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидоги омураб-эътиборига ҳар томонлама муносиб бўлиб яшашга ўргатади.

исининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. Иш жараёнида минглаб расмий ҳужжатлар, жумладан, махсус статистик маълумотлардан фойдаланиш имконига эга бўлган.

Ислому Каримов республика раҳбари бўлиб сайланишидан олдин — Давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлаган пайтда ана шу мураккаб масалалар устида узоқ вақт системали тарзда ишлаб, бир муҳим хулосани, яъни Ўзбекистон иқтисодиёти шу тарихда бир ёқлама ривожланишда давом этадиган бўлса, бу хатарли жараён охири оқибатда ҳалокатли натижаларга олиб келиши муқаррар, деган, чуқур илмий асосланган фикрларни республика раҳбариятига ёзма равишда маълум қилади. Давлат ва халқ манфаатини уйлаб, келажак ҳақида қайғуриб билдирилган бундай тақлифларга эътибор қаратиш ўрнига, Марказ ва унинг республикадаги гуамашталари бундай мустақил ва дадил қарашлар билан чиққан раҳбарни пойтахтдан четлаштириб, уни олис Қашқадарё вилоятига, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан энг оғир аҳволда қолган минтақага раҳбар қилиб, аслида эса жазолаш учун юборди.

Тадқирнинг ана шундай қалтис ўйин ва синовларидан ўтган, қисқа давр ичида Қашқадарёдек катта бир вилоятдаги аҳолини тубдан ўзгартиришга эришган Ислому Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари бўлиб сайланганининг эртасига, яъни 1989 йилнинг 24 июнь кунини республика ҳукуматидаги мажлисида «Биз бундан бўён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди» деб, қатъий баёнот бериши унинг қандай катта азму шижоат билан янги вазифага киришганидан далолат беради.

Республикамизда 80-йилларнинг охири — 90-йилларнинг бошида вужудга келган ҳақиқий аҳолини ўзимизга аниқ тасаввур қиладиган бўлсак, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби истиклол тарихимизнинг ҳозирга қадар атрофда ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чуқур исботлашнинг, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида тўлдириши билан, айниқса, эътиборлидир. Чунки ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни ус-талик билан ишлатиб, бу бўшлиқни фарзали мақсадда тўлдиришга, шу масалада кимларнингдир режа ва бюртмаларини бажаришга, биз бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга бу китоб ҳеч қандай имкон қолдирмайди.

Бу тўпلامнинг энг муҳим жиҳати ва аҳамияти, аввало, ана шунда — яқин тарихимиздаги сурулни ва тўфонли воқеа-ҳодисаларнинг фақат ҳақиқат ва яна бир бор ҳақиқатга асосланиб, ўз онгу шууридан, қалбидан кечирган муаллимнинг теран нигоҳ, улкан донишмандлик, ўз халқи ва юртига чеқсиз муҳаббат ва садоқат ҳисси билан ёритиб берганида яққол кўзга ташланади.

Шуни унутмаслик кераки, бугун собиқ Иттифоқнинг айрим ҳудудларида СССР деган империяни қандайдир янги шаклда тиклашни хаёл қилиб юрган, яқин ўтишда содир бўлган тарихий жараёнларни бутунлай ўзгартириб, керак бўлса, сохташлар этиб, одамларни, айниқса, у замонларни кўрмаган-билмаган ёшларни алдаб, тўғри йўлдан чалғитишга уринаётган кучлар, афсуски, хали ҳам йўқ эмас. Энг ёмони, улар ўз қабихиятларини йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди.

Шу маънода, Президент Ислому Каримовнинг халқимизнинг сиёсий тафаккур ҳазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби барчамизни ҳозирги ўта нотинч ва таҳликалий замонда доимо хушёр, оғоҳ ва сергақ бўлиб яшашга даъват этади. Шу асосда Ватанимизнинг янги тарихини чуқур англаш, ундан зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб, юртимизнинг қадимий шухрати, бугунги кўдрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидоги омураб-эътиборига ҳар томонлама муносиб бўлиб яшашга ўргатади.



Сарвар УРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ўзбекистон иқтисодий қудрати ва бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир ифодаси

Президентимиз Ислому Каримов 28 август кунини Тошкентдаги автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхона ва аэровокзалда амалга оширилган ишлар билан танишди



Қўшма корхонада йилга 1,5 литр (115 от кучига эга) ва 1,2 литр (82 от кучига эга) сиймидоги 225 минг донга BDOHC янги авлод двигателлари ишлаб чиқарилади. Кичик ҳажмидаги двигателларнинг бу янги авлодлари «General Motors» томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу компаниянинг глобал моделларига ўрнатилади. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистондаги, балки «GM»нинг глобал тармоғига кирувчи хориждаги бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланади. Ҳозирнинг ўзидаёқ «General Motors Powertrain Uzbekistan»га «GM»нинг глобал тармоғигада ўнга яқин автомобиль йиғувчи корхоналардан бюртмаларни тушгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Айни пайтда қўшма корхонада ялпи ишлаб чиқариш бўйича маҳаллийлаштириш даражаси 50 фоизни ташкил этади. Юртимизда ишлаб чиқарилган двигателлар ўрнатилиши натижасида «GM Uzbekistan» маҳсулотларининг қўшимча қийматида маҳаллийлаштириш улуши 82 фоизга етади.

Давлатимиз раҳбари корхонада фаолият кўрсатаётган хорижий мутахассислар, мамлакатимиз ёшлари билан суҳбатлашди.

— Ушбу йирк лойиҳа истиклол йилларида асос солинган мамлакатимиз автомобил ишлаб чиқариш сановати ривожига янги қадамдир, — деди Ислому Каримов. — Замонавий станциялар асосида, энг сунгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган мана шундай мураккаб ишлаб чиқариш объектларида ёшларимизнинг меҳнат қилаётгани ҳаммамизга катта қувонч бағишлайди.

Корхона тўлиқ қувват билан ишлаб бошлагач, бу ерда 1200 киши иш билан таъминланади. Айни пайтда 450 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчаси хорижий мутахассислар иштирокида ўқитилиб, билим ва қўникмалари оширилди. Хусусан, юртимизнинг 120 нафар ёшлари «General Motors»нинг АҚШ, Германия, Австрия, Ҳиндистон, Жанубий Кореядаги заводларида малака оширди.

Ислому Каримов 1990 йил 20 январь кунини Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилишида сўзлаган нутқида, Ўзбекистонда етарли меҳнат ресурсларини мавжуд бўлишига қарамай, янги ишлаб чиқариш корхоналарининг коллективларини шакллантириш учун четдан 125 мингга яқин ишчи ва мутахассис жалб этилганини афсус билан таъкидлаган эди. Бу ўша замонда миллий кадрларга паст назар, ишончсизлик ва эътиборсизлик билан қарашдан бошқа нарсаси эмасди.

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида олиб борилган изчил ва самарали ишлар бундай қарашларнинг бутунлай асосида ва нотўғри эканлигини кўрсатди. Қоровулбозор, Муборак, Шўртан, Деҳқонобод, Қўнғиротдаги йирк замонвий мажмуалар, Асака ва Самарқанддаги автокорхоналар, қўллаб бошқа йирк замонвий ишлаб чиқариш иншоотларидан бугун минглаб ўзбек ёшлари самарали меҳнат қилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Бугунги кунда ўзбек ёшлари энг замонвий ҳаво лайнерларини, энг тезорар поездларни бошқармоқда, энг

замонавий технологияларни ўзлаштираётган йиғит-қизларимиз сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Булар ўзбек ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслигининг амалдаги исботидир.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ишга тушган ушбу янги заводда ҳам ўзбек ёшлари меҳнат қилмоқда.

— Корхонада жуда иқтидорли ёшлар меҳнат қилмоқда, — деди заводнинг ишлаб чиқариш бўйича директори Янос Ковакс. — Улар қисқа вақтда қуйиш ва йиғиш цехларида барча мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ ўзлаштирди. Бу Ўзбекистон ёшларининг интилувчанлиги ва юксак интеллектуал салоҳиятидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари ушбу соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёш мутахассисларни тарбиялаш ва уларнинг малакасини оширишга эътиборни қучайтириш масалаларига алоҳида тўхтади. Корхонада «устоз-шогирд» аъъанасини янада мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади.

Корхона алюмин эритиш ва қуйиш, термик ишлов бериш, цилиндр блоклари, тирсақал ва алга ишлов бериш ускуналари, уларни автоматик йиғиш бўйича иккита линия, шунингдек, назорат-ўлчов машиналарини ўз ичига олган замонвий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Бу ердаги технологик жараён ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини мунтазам назорат қилиб бориш имконини беради, айни пайтда экологик хавфсизлик нуктаи назаридан ҳам жаҳон стандартларига тўла мосдир.

Корхонада тест режимда дастлабки двигателлар ишлаб чиқарилди. Барча зарур синовлар ва сертификатлаш жараёнлари якунланган, жорий йилнинг ноябр ойида ялпи ишлаб чиқариш бошланади. Завод 2013 йилда тўла қувват билан ишлаб бошлайди.

Маъзур завод «General Motors»нинг қуйиш ва йиғув цехлари бир жойда жойлашган дунёдаги дастлабки корхонасидир. Корхона ускуналар билан жиҳозланиши, технологик операцияни назорат қилиш тизими, эргономик ва экологик стандартларга мувофиқлиги бўйича энг замонвий ҳисобланади. Урнатилган регенерация тизими ишлаб чиқаришнинг ёпиқ циклини таъминлаш имконини беради.

— Ўзбекистонда яратилган қулай инвестицион муҳит, Президент Ислому Каримовнинг қўллаб-қувватлаши туфайли биз қисқа муддатларда ушбу заводнинг қурилиши ва жиҳозланиши якунланди. Ўзбекистонда двигател ишлаб чиқаришнинг йўлга қуйиши «General Motors»нинг минтақада амалга оширилаётган стратегиясининг мантқиқий давомидир. Ёш ўзбек мутахассисларининг юқори билим даражаси ва истеъдоди ушбу янги корхона муваффақиятини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир, — деди қўшма корхона бош директори Юрген Спендел.

Президентимиз двигателларга ишлов бериш жараёнида ўта аниқлиқни, юқори сифатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Деталларнинг сифат назоратини юқори маъсулият билан ташкил этиш, энг замонвий синов-рентген аппаратларидан унумли фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбари шундай мураккаб технологик ускуналарни маҳорат

билан бошқараётган ёшлар билан суҳбатлашди.

— Ёшларимиз бундай ишлаб чиқариш заводларида нафақат ишлаши, айни вақтда шу ерда ўзининг келажигини кўра олиши, эртанги кунини тасаввур қилиши лозим, — деди Юртбошимиз. — Бунинг учун уларга барча зарур шарт-шароитларни яратиш керак. Бу ерда ишлаётган ёшларимиз юртимизда юқори малакали кадрларнинг янги авлоди этилиб чиқётганининг яна бир тасдиғидир.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўла илгор компьютер технологиялари ёрдамида бошқарилади. Шу сабабли Ислому Каримов ягона электрон ахборот тизими хавфсизлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини ўқтирди.

Президент Ислому Каримов Тошкент аэропортида истиклолимизнинг 20 йиллик байрами арафасида қурилиши ниҳоясига етказилган маҳаллий авиалинияларнинг янги аэровоккали билан танишди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислому Каримов раҳнамолигида фуқаро авиацияси изчил ривожланмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси фуқаро авиациясини бошқаришнинг ягона тизимини сақлаб қолган ҳолда етакчи ўринларга чиқди ва бугун жаҳон авиабозорида йўловчиларга ҳавода ҳам, ерда ҳам хавфсизлик ҳамда юқори сервис жиҳати кўрсатишни таъминлайдиган қудратли, барқарор, жадал ривожланаётган авиатасувчи сифатида ўзини намойён этмоқда. Компания парки замонвий авиалайнерлар билан тўлдирилмоқда. Самарқанд, Бухоро, Урганч ва бошқа шаҳарлардаги аэропортлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди.

Миллий меъморчилик аъъаналаридан кенг фойдаланган ҳолда барпо этилган янги аэровокзал соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатиш имконига эга. Аэровокзал биносидан ички ва келиш заллари, расмий делегацияларга хизмат кўрсатиш зали, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, дорихона, валюта айирбошлаш хизматчонаси, ресторан, маълумотхона шомбачи мавжуд.

Ислому Каримов бу ерда яратилган шарт-шароит билан танишар экан, йўловчилар хавфсизлигини қаролатиш таъминлаш устувор аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Янги аэровокзал йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун замонвий электрон асбоб-ускуналар ва техник воситалар билан жиҳозланган. Терминал биноси олдига иккита назорат-ўтиш жойига эга хавфсизлик зонаси ташкил этилган.

Президентимиз ҳаво кемаларининг учини-қўшини йўлақлари, уларнинг тўхташ жойлари билан қизиқди.

Йўловчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган ушбу замонвий аэровокзал юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатиш имконини беради, деди Ислому Каримов.

Шу ўринда янги аэровокзалда яратилган яна бир қулайлик хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Эндиликда халқаро авиайўналишлар орқали пойтахтимизга келган хорижий меҳмонлар тегишли расмийлаштириш жараёнларидан ўтгач, аэропорт худудидан чиқмаган ҳолда, янги аэровокзал орқали юртимизнинг бошқа худудларига йўл олиши мумкин. Бу қулайлик орқича овозарчиликларга барҳам беради. Юртимизга келётган сайёҳлар оқимининг қўлайлишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк нэмат — мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараларидир. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида юртимизнинг барча худудларида қад ростлаган бундай замонвий иншоотлар Ватанимиз юксак иқтисодий салоҳиятининг амалдаги ифодаси бўлиб, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Хўсндин БЕРДИЕВ,
Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА муҳбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

«Байрамни муносиб кутиб оламиз!»

Юнусобод туман партия кенгаши «Юнусота» ва «Тинчлик» маҳаллаларида Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб, партия фаоллари ва аҳоли вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказди.

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларни кенг жамоатчиликка тушунтириш, шу орқали аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш асосий вазифамиз, — дейди Юнусобод туман партия кенгаши раиси, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова. — Ҳар бир фуқаро миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшashi, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши, энг муҳими, ҳар биримизда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси шаклланиши зарур.

— Одамларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий жараёнлардаги фаол иштироки эртанги ютукларимизнинг гаровидир, — дейди «Юнусота» маҳалласи раиси Майрам Ҳотамова. — Бу фаоллик жамиятимиз аъзоларини янада жипслаштиради.

Тадбирда сўз олганлар, шунингдек, Мустақиллик ҳар биримиз учун улкан имкониятлар яратиб бераётгани, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётгани, бу, ўз навбатида, фаровон ҳаёт барпо этишимизнинг мустақкам асоси эканини таъкидлашди.

Анвар ҚОБИЛОВ



Бухоро шаҳридаги 20-Гуличорбоғ маҳалласида «Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!» шiori остида байрам тадбири ўтказилди. У Бухоро вилояти Кенгаши депутати, хусусий корхона раҳбари Мухаббат Тешаева ташаббуси билан ташкил этилди. Тадбирда мустақиллик имкониятлари, соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, умуман, инсон манфаатига қаратилган юксак эътибор ҳақида сўз юритилди.

— Оилавий меҳрибонлик уйимда 15 нафар бола тарбияланади, — дейди Роҳила Мухаммадиева. — ХДП фаоллари ҳар байрамда бизни йўллашди, болаларга совға-салом беришди. Бу, айниқса, фарзандларимни хурсанд қилди.

ди. Бу тадбир ҳам уларни беҳад қувонтирди.

— Бугун сиёсий партиялар ижтимоий жараёнларни янги, янада юқори босқичга кўтаришда муносиб ҳисса қўшмоқда, — дейди депутат Мухаббат Тешаева. — Биз ўз фаолиятимиз давомида шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўмак беришга ҳаракат қилаёلمиз. Партияимиз йўналишидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳимояга қаратилган тадбирларни кўпроқ ташкил этаёلمиз.

— Мустақиллик байрами арафасида маҳалламиз кўзни қувонтирадиган даражада обод бўлди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умар Жалолов. — Халқимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораёпти. Насиб этса, байрамни кўтаринкилик билан кутиб оламиз.

Лазиза ШЕРОВА



Юртимизда мустақиллик байрамига қизгин тайёргарлик кетаётган бир пайтда огоҳлик ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир. Партия ташкилотлари байрамолди тадбирларида шу масалага алоҳида эътибор қаратаёпти. Оммавий ахборот ва коммуникация воситалари, босма матбуот нашрларидан унумли фойдаланиш, кишиларни жалбитадиган, оғини захарлайдиган ёт гоёларнинг суқулиб киришига имкон қолдирмаслик керак.

Сирдарё вилоят партия кенгаши ижроия кўмитаси ва фаолларнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида шу фикрлар таъкидланди. Шунингдек, вилоят партия кенгаши раиси А.Тоштовтов, Боёвут туман партия кенгаши раиси Р.Ибрагимов оммавий таҳдидлар, террористик ҳаракатлар ҳақида сўз юритиб, йиғилганларни огоҳлик ва ҳушёрликка чақирди. Она Ватанимиз, Мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш лозимлигини таъкидлашди.

Жанглиш ҲАСАНОВА

«Азалий орзуим — Ўзбекистонни кўриш эди»

— дейди италиялик афсонавий қўшиқчи Аль Бано КАРРИЗИ



«Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида жаҳон санъатининг таниқли намояндаси Аль Бано Карринининг иштирок этиши нафақат меҳмонлар, балки юртдошларимиз учун ҳам қутилмаган совға бўлди. У ўзининг машҳур «Felicità» қўшиғини ижро этаётиб, «Мен сени севаман Ўзбекистон, мен сени севаман Самарқанд» дея ҳайқирди ва Самарқанд заминини тавоф қилди. Ушбу ҳолатни бевосита саҳнада томоша қилаётган, телевизор орқали гувоҳи бўлган миллионлаб инсонлар ҳайратда қолди.

Мухбиримиз машҳур қўшиқчи билан суҳбатлашди.



— «Шарқ тароналари» фестивали бутун жозибаси билан дунё халқларини бирлаштиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз. Унинг иштирокчилари ҳам буни эътироф этишса керак. Ёшларга маслаҳатим шуки, инсон аввало ўзига ва ўз муносибига ишониши лозим. Ва бу сенинг ҳаётинг эканлигини тушуна олишинг муҳим. Энг асосийси, муваффақиятсизликлардан ҳеч қачон тушкунликка тушиш керак эмас. Омад ўз-ўзидан келиб қолмайди.

— Самарқанд ҳақидаги фикрларингиз?

— Самарқанд шаҳрининг марказий қисми жуда ҳам чиройли экан. Замонавий ва тарихий биноларнинг ажойиб уйғунлиги ҳосил қилинибди. Ўзбекистон иссиқ мамлакат экан ва бу менга ёқди.

— Очилиш маросимида шахсан Президент Ислам Каримов қўлидан ўзбек чопонини олиш мен учун дунёдаги энг қадри, энг катта совға бўлди. Мен уни нафақат асрайман, балки дўстларимга ҳам кўрсатаман. Бу лаҳзаларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

— Жаноб Аль Бано, биз билан сиз тансиқ таомлар таъминлаш қилишни хуш кўрасиз. Ўзингиз ҳам таом тайёрлай оласизми?

— О, албатта! Фақат аввало сизнинг таомларингизни истемол қилгандан сўнг. Сизларда нафақат буюк мусиқа, балки буюк миллий пазандачилик ҳам мавжуд. Миллий таомлар ўша халқнинг қандай эканидан дарак беради. Каергисорам ҳам ўша жойдан овқатларнинг тайёрлини жараёнларини ўрганаман. Ўзбекистондан палов ва сомсанинг қай тарзда тайёрланиши ҳақидаги қўлланмани олиб кетаялман. Тез орада яқинларим Аль Бано тайёрлаган ўзбек паловини тановул қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.



— Мухтарам меҳмон, Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларингизни сўзлаб берсангиз. Юртимизнинг қайси жиҳатлари Сизга ёқди?

— Аввало бир гапни айтишни хоҳлардим, мен ўзимни дунё фуқароси деб биламан. Ҳар қандай мамлакатда ўзимни яхши ҳис қиламан. Ўзбекистонга илк бор келишимга қарамай, у менда худди ўз ватанимдек таассурот қолдирди. Чунки халқингиз жуда самимий экан, мени кўтаринкилик билан қарши олди.

— Фестиваль очилиш маросимида Ўзбекистонга, Самарқандга бўлган ҳурматингизни кўрганлар тўқилганини кетди...

— Айтганимдек, Ўзбекистонга келиш мен учун, ҳар бир инсон учун жуда катта бахт. Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларнинг ҳақида кўп эшитганман. Ниҳоят уларни кўриш насиб этди. Инсон анча вақт кутган орзуси амалга ошганида ўз хурсандчилигини нима биландир ифода этади. Мен Самарқанднинг муқаддас заминини кўзимга суртдим.

— Фестиваль ҳақида, унинг иштирокчилари, эндигина ўз кучини синаб кўраётган ёш иж-

нишда намойиш этиш экани ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонга келиш азалий орзуим эди. Бу орзуим амалга ошганидан хурсандман. Буюк ипак йўли ҳақида китобларда ўқиганман. Юртингиз афсоналардан ҳам гўзал, бетақрор экан.

— Фестиваль очилиш маросимида Ўзбекистонга, Самарқандга бўлган ҳурматингизни кўрганлар тўқилганини кетди...

— Айтганимдек, Ўзбекистонга келиш мен учун, ҳар бир инсон учун жуда катта бахт. Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларнинг ҳақида кўп эшитганман. Ниҳоят уларни кўриш насиб этди. Инсон анча вақт кутган орзуси амалга ошганида ўз хурсандчилигини нима биландир ифода этади. Мен Самарқанднинг муқаддас заминини кўзимга суртдим.

— Фестиваль ҳақида, унинг иштирокчилари, эндигина ўз кучини синаб кўраётган ёш иж-

Истиқлол имкониятлари

Гўзал шаҳарнинг замонавий трамвайлари

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида пойтахтимиз кўчаларини замонавий янги трамвайлар бегади

Қадимдан «Шарқ дарвозаси» номини олган, тинчлик ва дўстлик рамзига айланган Тошкент шаҳри ҳақида сўз бораркан, кўпчилик трамвайлар ҳақида гапирди. Азим пойтахтимиз манзаралари муҳрланган илк кинолаҳзада ҳам ана шу транспорт турининг тасвирга олингани тасодиф эмас. Чунки Тошкент тонглари трамвайларнинг йўлга тушиши билан бошланади.



Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

«Тошшаҳартрансизмат» уюшмасидан маълум қилишларича, пойтахтимиздаги трамвай линияларида кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Шу жараёнда 16 километрдан зиёд трамвай линиясини тўрт босқичда қуриш мўлжалланган. Ҳозирга қадар уларнинг 3 йўналиши қуриб битказилди. Хусусан, Муқимий кўчасидан Шота Руставели, Қўшбеги, Тошкент кичик халқа автомобиль йўли бўйлаб «Тараққиёт» кўчасигача 7,1 километр, «Самарқанд дарвоза» кўчаси бўйлаб «Оқтепа» майдонигача 2,7 километрлик трамвай линиялари фойдаланишга топширилди.

Яқинда «Бешкайрағоч» кўчасидан Тошкент автомобиль халқа йўли бўйлаб «Ибн Сино» мавзесигача 3,8 километрлик трамвай йўли қурилиб, ишга туширилди. Энди «Фарғона йўли» кўчасидан «Алимиқент» кўчасигача 2,5 километрлик автомобиль йўлини реконструкция қилиш, трамвай йўли, уланиш тармоғи ва трансформатор подстанцияларини барпо этишга киришилди.

Бундан ташқари, Марказий темир йўл вокзалидан «Янгиобод» мавзесигача, шунингдек, Қўйлик даҳасидан «Фарғона йўли» кўчаси бўйлаб «Чкалов» метросигача бўлган масофада трамвай қатнови йўлга қўйилади.

Янги уйга янги жиҳоз дегандек, пойтахтимиздаги барпо этилган ва такомиллаштирилган трамвай линиялари учун Чехиянинг «Pragoimex a.s.» компаниясида ишлаб чиқарилган «Vario LF»

русумли 20 трамвай вагонини харид қилиш кўзда тутилган. Мазкур янги трамвайларнинг дастлабки иккитаси халқимизнинг энг улғу, энг азиз байрамига тўёна сифатида Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига тўхфа қилинди.

...28 август куни Марказий темир йўл вокзалига ёндош трамвай бекатида ушбу трамвайлар илк бор йўлга чиқди. «Тошшаҳартрансизмат» уюшмаси мутахассислари, соҳа мутахассислари, пойтахтимиздаги маҳаллалар фаоллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари ва журналистлар пойтахтимизда янги қурилган трамвай йўналишлари бўйлаб ўзига хос саёҳатга тақлиф этилди.

Трамвай деганда кўз ўнгимизга «тарақа-туруқ» овоз ва вагоннинг силкинишлари келади. Шу боис барчани дастлавланган «темирорёқ»нинг худди сувда сузган кемадек раван ҳаракатланиши лол қолдирди. Қолаверса, ўртача 140 кишига мўлжалланган вагондаги юмшоқ ўриндиқлар, кенг салон ҳар қандай йўловчига манзур бўлади. Зинасиз чиқиладиган ўрта эшикка ногиронлар аравачаси учун махсус пандус мосламаси ўрнатилган.

— Европа стандартларига тўла жавоб берадиган мазкур янги трамвайлар замонавий дизайни ва юқори сифати билан ном қозонган, — дейди «Тошэлектротранс» давлат корхонаси бўлим бошлиғи Фарруҳ Қодиров. — Улар замонавий электрон бошқарувага, электр энергиясини 30-40 фоизгача тежайди. Қолаверса, 40 дара-

жа совуқдан 70 даража иссиққача бўлган иқлим шароитида, электр тармоғида эса 400 вольтдан 900 вольтгача электр токи камайган ҳолатда ҳам бир текис ҳаракатланаверади. ...Қўшбеги, Шота Руставели кўчалари. Икки ёндаги замонавий, бир-бирига уйғун иншоотлар, осуда ҳаёт суръати, бетақрор иқлим, ободлик, кўркамлик ва саришталик юртдошларимизни шукрона айтишга ундаса, хорижий меҳмонларда ҳавас уйғотади.

— Пойтахтингизга бундан ўн беш йил илгари келган эдим. Утган вақт мобайнида Тошкентда амалга оширилган улкан ўзгаришларни кўриб, лол қолдим, — дейди Чехиянинг «Pragoimex» компанияси мутахассиси Петр Жемличка. — Бунёдкор халқингиз Президент Ислам Каримов раҳнамолигида қандай катта ютуқларга эришаётганига мамлакатингизга келган одам бир қарашда амин бўлади. Бу жиҳатлар темир йўл, транспорт-коммуникация соҳаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Замонавий трамвайлар Тошкент кўчаларига жуда ярашиб турибди.

...Трамвай «Самарқанд дарвоза» кўчаси бўйлаб «Оқтепа» майдони томон йўл олади.

Умид ЁҚУБОВ, ЎЗА мухбири

Тошкент қурилиш-коммунал коллежи томонидан 2000 йилда Жамшид Абдуллаев Раҳмонов номига берилган №279730 рақамли диплом йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ХАЛҚ ВАНКИ

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ жамоаси

юртдошларимизни улғу ва муқаддас ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ байрами билан муборакбод этади!

Мана шу файзли кунларда барчага мустақкам соғлиқ, фаровон ҳаёт, оилавий бахт, истиқлолимизни мустақкамлаш йўлидаги ишларида улкан зафарлар тилайди!

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

Реклама



«Билайн» Сизни
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 20 йиллиги
билан табриклайди!



Beeline®

hayotning yorqin tarafida bo'l

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muslihiddin
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	Saidahmad
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846

10895

nusxada

bosildi.

t — Tijorat materiallari

Topshirish vaqti — 21.00

O'ZA yakuni — 03.30

Topshirilgan vaqti — 04.55

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Matnazar ELMURODOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5